

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Миробод туман Мактабгача таълими
бўлими мудири  Р.Айдинов



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Миробод туман^{*МТБ} тасарруфидаги 398-ДМТТ биносини жорий таъмирлаш.
- 1.2. Танлов қиймати 987 403 783 (Тўккиз юз саксон етти миллион тўрт юз уч минг етти юз саксон уч) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Хизмат бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқкан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кунгача.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Миробод туман Мактабгача таълими бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлав ташкилотчиси хисобланади.
- 2.2. “Буюртмачи” манзили: Миробод тумани Саракаул кучаси-24
- 2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага ҳамда юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

- 1) Танлов предмети қийматининг камида **20** фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўреатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси (Энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича);
- 2) Банк хисоб ракамларида корхонанинг бир йиллик айланмаси камида **4** млрд. сўмдан кам бўлмаслиги тўғрисида банк (асли) маълумотномаси (Энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича);
- 3) Зарурый техникаларнинг мавжудлиги (таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун);
- 4) Малакали мутахассисларнинг мавжудлиги;
- 5) Солик ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги хақида худудий ДСИнинг маълумотномаси (Энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича);
- 6) Пудрат ташкилотининг 3 йиллик бажарган ишлари ва танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- 7) Пудрат ташкилотини электрон базадаги рейтинги камида **DDD** бўлиши керак
- 8) Ушбу обьект учун ишланган бажариладиган ишлар оферта

- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

- 3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар ҳамда нархни 5 фоиздан ошик суний туширилган таклифлар

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:
 - Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
 - Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукукига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор кабул килиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор кабул килишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгаришишга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгаририлган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов

хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолангандан эътиборан уч иш куни ичидаги маҳсус аҳборот порталаида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиши тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидаги танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади